



**THE PRINCIPLES OF CRIMINAL PROCEDURE AS THE
FOUNDATION OF THE MORAL CONTENT OF CRIMINAL
PROCEDURAL ACTIVITY**

Khaknazarov Shavkat

(PhD)

Independent researcher at the Higher School of Judges
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14538753>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2024
Accepted: 20th December 2024
Online: 21th December 2024

KEYWORDS

Constitution, criminal procedure, court, legal norms, moral norms, spirituality, reforms, principle, ethics, justice, behavior, rights and freedoms.

ABSTRACT

This article analyzes issues related to the principles of criminal procedure as the foundation of the moral content of criminal procedural activity. Most importantly, it emphasizes matters connected to moral values that have evolved throughout all stages of human development within the essence of criminal law principles. This article examines both national and foreign legislation, as well as the opinions of scholars.

**ПРИНЦИПЫ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА КАК ОСНОВА НРАВСТВЕННОГО
СОДЕРЖАНИЯ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Хақназаров Шавкат

(PhD)

Независимый соискатель Высшей школы судей
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14538753>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2024
Accepted: 20th December 2024
Online: 21th December 2024

KEYWORDS

Конституция, уголовный процесс, суд, нормы права, нормы морали, духовность, реформы, принцип, этика, справедливость, поведение, права и свободы.

ABSTRACT

В данной статье проанализированы принципы уголовного процесса и вопросы, касающиеся основы нравственного содержания уголовно-процессуальной деятельности. Особое внимание уделяется вопросам, связанным с нравственными ценностями, которые развивались на всех этапах развития человечества и отражены в содержании принципов уголовного права. В статье проанализированы как национальное и зарубежное законодательство, так и мнения ученых.

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ, ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ
ФАОЛИЯТНИНГ АХЛОҚИЙ МАЗМУНИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА**

Хақназаров Шавкат

(PhD)

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14538753>



ARTICLE INFO

Received: 14th December 2024

Accepted: 20th December 2024

Online: 21th December 2024

KEYWORDS

Конституция, жиноят процесси, суд, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ нормалари, маънавият, ислоҳотлар, принцип, этика, адолат, ҳуқуқ-атвор, ҳуқуқ ва эркинликлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят процессининг тамойиллари, жиноят процессуал фаолиятнинг ахлоқий мазмунининг асоси сифатида оид масалалар таҳлил қилинган. Энг муҳими жиноят ҳуқуқига оид принциплар мазмун-моҳиятида инсоният тараққиётининг барча босқичларида ривожланиб келган ахлоқий қадриятлар билан боғлиқ масалаларга урғу бериб ўтилган. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Энг умумий маънода жиноят процессининг тамойиллари – тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органлари фаолиятининг мазмунини белгиловчи фундаментал ғоялардир.

Жиноят процессуал қонунчиликдаги тамойиллар бевосита жиноят тамойиллари вазифаларидан келиб чиқиб, жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини, иштирок этаётган барча процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умуман олганда процессуал жараёнларнинг тузилиши ва йўналишини белгиловчи асосий қоидаларидан бири ҳисобланади.¹

Жиноят процессуал қонунчиликнинг бугунги кундаги асосий мақсади жиноят ишини юритишнинг мақбул тартибини белгилаш орқали жиноят ишида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган.

Жиноят-процессуал кодекси 1-моддаси иккинчи қисми кўра, жиноят ишини юритишнинг белгиланган тартиби мамлакатимиз барча судларига, прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари мансабдор шахсларига, адвокатура шунингдек жиноят процессининг бошқа иштирокчилари учун мажбурий эканлиги қайд этилган.² Демак, жиноят процессуал фаолиятда қонунга риоя қилиш нафақат жиноят ишини юритишга маъсул бўлган органлар мансабдор шахслари, балки жиноят процессининг барча бошқа иштирокчилари томонидан риоя этилиши мажбурийдир (фуқаролар, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар, гувоҳлар). Лекин, юқорида келтирилган моддада жиноят ишини юритиш ваколатига эга бўлган барча органлар келтирилмаган. Хусусан, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи органлар шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, ЖПК 321-моддасига биноан, ушбу органлар ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини кўзғатиш ҳуқуқига эга.

¹ Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 51 b.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Ўзбекистон, 2024.



Процессуалист олимлардан, М.С. Строговичнинг айтишича, жиноят процессуал тамойиллар, ахлоқ тамойиллар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдирувчи, бирлаштирувчи ягона умумий характерга эга бўлган хусусиятлардир.³

Жиноят процессининг ахлоқ қоидалари, унинг принципларида яққол намоён бўлади, уларнинг мавжудлиги ва мазмуни тергов ва суд органларининг энг муҳим хусусиятларни акс эттирувчи соф расмий ва ўзига хос жиноят процессуал фаолиятнинг чегарасини белгиловчи омил сифатида қаралади.⁴

Б.Т.Разгилдиев, А.Ф. Чердансевларнинг фикрича, «жиноят қонуни тарихи кўп асрлар давомида ривожланиб келган ва бу ривожланишнинг моҳияти ахлоқий талабларни такомиллаштиришдан иборат бўлган ва шундай бўлиб қолади».⁵ Чиндан ҳам, ахлоқ нормалари талаблари асосида ҳуқуқ қоидалари шаклланиб келган. Албатта, буни маълум бир маънода инкор этиб бўлмайди.

Бу масалада, С. Никулин ҳақли равишда фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, «жиноят ҳуқуқи ахлоқий асос билан чамбарчас боғлиқ, чунки у дастлаб инсониятнинг адолат ҳақидаги қарашларини ўзида ифода этган»⁶.

С. Никулиннинг қарашларига ҳамоҳанг А. Тошпўлатов ҳам фикр билдирган. Унинг қайд этишича, «жиноят ҳуқуқига оид принциплар мазмун-моҳиятида инсоният тараққиётининг барча босқичларида ривожланиб келган ахлоқий қадриятлар яширинган, маълум бир даврда жамият ва давлат олдидаги вазифалар, функцияларни ҳал қилишга қаратилган ғояларни ифода этган».⁷

Бу давлат ва жамият ривожланишининг турли тарихий даврларида содир бўлган муайян сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таъсири жумладан, жиноятчиликка муносабат, жиноятчиларнинг шахси ва урушлар ёхуд у ёки бу тарихий шахларни доимий равишда ўзгариб туриши оқибатида, ўша даврда мавжуд бўлган ахлоқий-ахлоқий меъёрлар ва қадрият йўналишлари ҳам ўзгариб келганлиги билан изоҳланади.⁸

Албатта, тахтга келган ҳар бир шахс ўз давлатида ўзининг ҳуқуқ принципларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай давлатда ўрнатилган принциплар императив, ҳукмрон характерга эга бўлиб, мажбурий кўрсатмаларни ўз ичига олади, одатда уларнинг бажарилиши учун мавжуд барча ҳуқуқий воситалар ишга тушурилади. Демак, улар орқали давлатни бошқарида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилади ва умуман олганда максимал даражада жамиятда тартибни таъминлашга қаратади.

Жиноят процесси тамойилларининг асосий йўналишини белгилаб берувчи асос бу ахлоқлардир. Жиноят процесси принципларининг ахлоқий мазмуни шундан

³ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т. 1. С. 17.

⁴ Мотовиловкер И.О. О принципах объективной истины презумпции невиновности и состязательности процесса. - Ярославль, 1978. С. 4.

⁵ Razgildiyev V. T. Uголовно-правовые принципы: ponyatiye, realizatsiya, yuridicheskaya priroda // Uголовно-правовые, penitentsiarnye prinsipi i ix realizatsiya: pravotvorcheskiy, pravoprimenitelnyy urovni: materialy vseros. nauch.-prakt. konf. (g. Saratov, 28-29 marta 2005 g.): v 2 ch. CH. 1 / pod red. V.T. Razgildiyeva. Saratov, 2005. S. 5.

⁶ Никулин С. И. Нравственные начала уголовного права: учеб. пособие. М., 1992. С. 6.

⁷ А.Тошпўлатов. Жиноят ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт. Диссер...юрид.фанлар...док (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. - Б. 34.

⁸ Базарова Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Диссер...док..юрид..наук (DSc). Т., ТДЮИ, 2022. С. 127.



иборатки, улар жиноят ишларини холис, беғараз, адолатли тергов қилиш ва ҳал этишни таъминлашга қаратилган.

Айнан ягона ахлоқий принциплар, ҳар бир жиноят ишини индивидуал, ўзига хос ва такрорланмас сифатида тергов олиб бориш ва суд томонидан ҳал қилишга имкон беради.

Шундай қилиб, жиноят процесси принциплари бир томондан, ҳуқуқ, иккинчи томондан эса, ахлоқ меъёрлари категорияси ҳам ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятида умум қабул қилинган ахлоқ қоидалар ётади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13-моддаси биринчи қисмини асоси сифатида олсак бўлади. Унда белгинашича, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади.⁹

Процессуалист олим Ферри, жиноят процессуал ҳуқуқда ахлоқ масалалари ўзига хос хусусиятга эга, жиноят кодекси жиноятчилар учун, жиноят процессуал қонун эса, ҳалол одамлар учун ёзилганлигини таъкидлади. Жиноят қонунчилигида жазо тамойили устунлик қилади, жиноят процессуал қонунчилигида эса, шахс ва адолат кафолатлари етакчи рол ўйнайди.¹⁰

Олимнинг фикрини таҳлил қиладиган бўлсак, жиноят процессуал қонунчилик ишда иштирок этаётган шахс учун (ҳоқ у ҳимоя томон, ҳоқ айблов томон бўладими) кафолатлар тизимини яратишга қаратилганлигидир. Жиноят процессининг асосий тамойиллари ҳам адолат, эзгулик, шахсни ҳимоя қилиш ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш каби ахлоқий талабларга асосланади. Мазкур ишларнинг туб негизида одил судловни рўёбга чиқариш ётади.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, жиноят принципларга ахлоқ қоидаларини татбиқ этиш: **бир томондан**, *жиноят содир этган ҳар бир шахснинг адолатли жазоланиши, ҳеч бир беғуноҳ шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги, ҳукм қилинмаслиги ва қонунни тўғри қўлланилиши учун шароит яратади*; **иккинчи томондан**, *жиноятнинг тез ва тўлиқ фош этилиши, айбдорнинг фош этилиши, жабрланувчига етказилган маънавий манфаатларни ҳимоя қилишга хизмат қилади*; **учинчидан томондан**, *қонун ҳар қандай айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш, шу орқали жиноий таъқиб қилинаётган шахсларнинг шаънини ҳимоя қилиш вазифасини қўяди*; **тўртинчи томондан**; *қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилишни назарда тутди, бу эса ўз навбатида инсоннинг шаъни, кадр-қимматини ва обрў-эътиборини тиклашни англатади*.

Келинг, жиноят процессида ахлоқ тамойиллари билан боғлиқ асослар ва мазмун-моҳиятини кўриб чиқайлик.

Жиноят процессуал қонунчиликда қуйидаги ахлоқ тамойиллари ўз ичига олган асослар ташкил қилади: *қонунийлик; тортишувчанчилик; тенглик; шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш; фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; айбсизлик презумцияси; ҳақиқатни аниқлаш*. Келтирилган принципларда ахлоқ категориясига кирадиган масалаларни атрофлича кўриб чиқамиз.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

¹⁰ М. М. Есикова, О. А. Бурахина, В. А. Скрёбнев, Г. Л. Терехова. Профессиональная этика юриста. Тамбов 2015. 40 с.



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 15-моддасига кўра, жиноят ишларини юритиш **тортишувчанлик** асосида амалга оширилиши назарда тутилган.¹¹ Мазкур принцип нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий мазмунга эга. Тортишувчанлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, иш бўйича исботланиши лозим бўлган далилларни текшириш тенг процессуал ҳуқуқлар асосида синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиш, шунингдек жиноят иши бўйича айблов, ҳимоя ва ҳал қилиш функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда, уларни бир орган ёки мансабдор шахсга юклаш мумкин эмаслигидан келиб чиқади (ЖПК 25-модда).

Қоидага кўра, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов орган мансабдор шахси ва прокурор таъқиб қилиш функциясини бажаради. Суд эса, жиний таъқиб қилувчи орган эмас, ишда холис, беғараз томон сифатида иштирок этиб, томонларга процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратади. Дарҳақиқат, ҳақиқий процессуал тенгликка тарафлар фақат холис, беғараз ҳакам олдида баҳслашгандагина эришилади.

И.Я. Фойницкий, қонун чиқарувчи даставвал судни у ёки бу томон функциясини бажаришдан озод қилган. Судни функция ягона фақат ҳақиқат аниқлаш, адолатни ўрнатиш ҳисобланади. Суд ишни таъқиб органлар томонидан қўйилган жиноятни кўрсатувчи айблов асосида кўриб чиқади. У ушбу айбловга қўшилади ёки салбий фикрини билдиради.¹²

Айтиш жоизки ушбу тамойил, хорижий мамлакатларда Конституция даражасида мустаҳкамланган. Чунончи, РФ Конституциясининг 123-моддаси 3-бандида, жиноят ишларини юритиш томонларнинг тортишувчанлик ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширилади.¹³ Айнан, шунга ўхшаш қоида Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 100-моддаси 3-бандида ҳам кўришимиз мумкин.¹⁴ Тожикистон Республикаси Конституциясининг 88-моддаси учинчи қисмида суд жараёни томонларнинг тортишувчанлик ва тенг ҳуқуқчилик тамойили асосида амалга оширилади дейилган.¹⁵

Суд ишларни адолатли ва холис ҳал этиш учун, томонларга ўз фикрларини ҳимоя қилишлари учун тенг имкониятлар яратиши шарт, шунинг учун судларнинг процессуал (мақсадли) функцияларини ўз зиммасига олмайди. Биз юқорида айтганимиздек, суд ҳокимиятида фақат битта принцип амал қилиши лозим яъни ҳақиқатни аниқлаш ва адолатни ўрнатиш функциясини ўз зиммасига олиши даркор.

Кўриниб турибдики, томонларнинг тенглиги тортишувчанлик элементиدير. Чунки томонларнинг ҳуқуқлари тенглиги таъминланганда тортишувчанлик чинакам самарали бўлади. Шундай қилиб, ушбу қоидани, мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ саналади.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

¹² И. Я. Фойницкий Курс уголовного судопроизводства. Т. 1. Санкт-Петербург: Альфа. 1996. С. 64.

¹³ “Конституция Российской Федерации” (принята всенародным голосованием 12.12.1993 с изменениями, одобренными в ходе общероссийского голосования 01.07.2020).

¹⁴ Конституция Кыргызской Республики. (введена в действие законом Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года).

¹⁵ Конституция Республики Таджикистан. (в редакции референдума от 26.09.1999г., от 22.06.2003 г., от 22.05.2016г.)



Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, тортишувчанлик принципларини элементлари қўйидагиларда номоеън бўлади: 1) айблов ва ҳимоя функциясини одил судлов функциясидан ажратилган; 2) томонларга ўз функцияларини бажариш учун тенг процессуал ҳуқуқларни бериш; 3) томонларнинг тенглиги тортишувчанлик элементиدير; 4) суднинг процесдаги етакчиликни ва иш бўйича якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат судга бериш билан изоҳланади.

Хулоса ўринда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 137-моддаси, ЖПК 16-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги таҳлил қиладиган масаламиз, **шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш** принциpidир. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 17-моддасида мустаҳкамланган.

Айтиш жоизки, ушбу принцип бошқа тармоқаро қонунчилигида такрорланмаган, аммо унинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бориб тақалади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шунингдек, ушбу Асосий Қонуннинг 26-моддасига биноан, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Хаттоки, жазони ижро этиш муассасаларда сақланаётган маҳкумларга инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-модда).¹⁶

References:

1. Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M. A. Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2021. – 51 b.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Ўзбекистон, 2024.
3. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т. 1. С. 17.
4. Мотовиловкер И.О. О принципах объективной истины презумпции невиновности и состязательности процесса. - Ярославль, 1978. С. 4.
5. Razgildiyev V. T. Ugolovno-pravoviye prinsipi: ponyatiye, realizatsiya, yuridicheskaya priroda // Ugolovno-pravoviye, penitensiarниye prinsipi i ix realizatsiya: pravotvorcheskiy, pravoprимenitelniy urovni: materialі vseros. nauch.-prakt. konf. (g. Saratov, 28-29 marta 2005 g.): v 2 ch. SN. 1 / pod red. V.T. Razgildiyeva. Saratov, 2005. S. 5.
6. Никулин С. И. Нравственные начала уголовного права: учеб. пособие. М., 1992. С. 6.
7. А.Тошпўлатов. Жиноят ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт. Диссер...юрід..фанлар...док (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. -Б. 34.
8. Базарова Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Диссер...док..юрід..наук (DSc). Т., ТДЮИ, 2022. С. 127.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.



10. М. М. Есикова, О. А. Бурахина, В. А. Скребнев, Г. Л. Терехова. Профессиональная этика юриста. Тамбов 2015. 40 с.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
12. И. Я. Фойницкий Курс уголовного судопроизводства. Т. 1. Санкт-Петербург: Альфа. 1996. С. 64.
13. “Конституция Российской Федерации” (принята всенародным голосованием 12.12.1993 с изменениями, одобренными в ходе общероссийского голосования 01.07.2020).
14. Конституция Кыргызской Республики. (введена в действие [законом](#) Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года).
15. **Конституция Республики Таджикистан.** (в редакции референдума от 26.09.1999г., [от 22.06.2003 г.](#), от 22.05.2016г.)
16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.